

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 21 июль, Душанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (11.200)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИЛГАНДЕК, 2008 йил 18 июль кuni вазирлар маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ҳамда 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов олиб борди.

Мажлисда қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни, саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари ўсиши 12,2 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 16,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича 5,4 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича 14,4 фоизни, пулли хизматлар кўрсатиш бўйича 18,9 фоизни ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатлар билан, энг аввало, экспортнинг қарийб 1,5 баробар кўпайиши ҳисобига ўсмоқда. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар инвестицияларнинг 19,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 29,4 фоизга ўсишини таъминлади. 185 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, «Асака текстиль», «Сурхон текс», «Навбахор текс», «Риштон текстиль» тўқимачилик корхоналари ва бошқалар ишга туширилди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ба-

жарилиши, кичик бизнесга солиқ юкиниг пайсантирилиши ҳамда унинг фаолият кўрсатиш шароитларининг эркинлаштирилиши натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг тегишли давридаги 38,1 фоиз ўрнига 40,2 фоизгача кўпайди.

Ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурлари фаол амалга оширилиши туфайли 372,1 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингта, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 132,6 мингта иш ўрни ташкил этилди.

«Ешлар йили» Давлат дастури доирасида биринчи ярим йилликда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга 702 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Ўзбекистоннинг макроиктисодий ривожланишидаги ижобий тенденциялар халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Халқаро валюта фонди томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан иқтисодиёт тармоқларини янада модернизациялаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, янги иш ўринларини, айниқса, қишлоқ жойларда таш-

кил этиш ва шу асосда аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Электротехника тармоғини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, бутун дунёга машҳур бўлган савдо маркаларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этишга йўналтирилган тармоқни ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, хизматлар кўрсатишининг янги объектиларини барпо этиш ва фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш учун ер участкалари ажратишда, кредит ресурсларини, қурилишга ва муҳандислик коммуникацияларига улаштиришга рухсат берувчи ҳужжатларни олишда тадбиркорларга қўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қаратилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш яқунлари бўйича мажлис қатнашчилари олдида йўл кўйилган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг мўлжалланган параметрларига эришишни, мақсадли комплекс дастурлар, 2008 йилга Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш вазифаси кўйилди.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

**РЕСПУБЛИКАМИЗ
МЕБЕЛЬ САНОАТИ
РИВОЖИДА БУГУНГИ
KUNDA KИCHИK БИЗНЕС
СУБЪЕКTLAPИ ҲАМДА
ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ
ҲАМ ХИССАСИ ОРТИБ
БОРМОҚДА. УЛАР
ТАЙЁРЛАГАН
РАҚОБАТБАРДОШ
МАҲСУЛОТЛАР
БЕМАЛОЛ ЧЕТДАН
КЕЛТИРИЛАДИГАН
ХУДДИ ШУНДАЙ
ТОВАРЛАРИНИНГ
ЎРНИНИ БОСАДИ.**

Тадбиркорлик

УНУМЛИ ДАСТУХ КЕЛТИРИЛДИ

Бунга мебелсозларимиз хорижий ҳамкорлар билан мустақкам алоқа ўрнатиш, шу асосида юксак унумли замонавий дастуҳ ва ускуналар келтириш, илгор технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли эришмоқда. Уларнинг изланишлари яхши самара бераётгани шунда яққол кўзга ташланмоқдаки, кейинги йилларда мебелсозлар ҳамюртларимизни, яъни ички бозорни 70 фоиз ўз маҳсулотларимиз билан таъминлашга муваффақ бўлмоқда. Мебель маҳсулотлари турлари кўпайиб, сифати ортди.

Сергели туманида 2006 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «ВМВ ISHONCHLI BIZNES» масъулияти чекланган жамиятида ҳам мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, ўтган қисқа давр мобайнида 7 хил юмшққ мебеллар, 4 турдаги стуллар ва 2 хил ошхона термалари тайёрлашга эришилди. Энг асосийси эса бозорни яхши урганиш асосида мебеллар кўриниши, сифати ва мустақкамлига эътибор қаратилган бўлиб, бу маҳсулотларнинг харидорлари сафи ортишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.


— Ҳозирда кунда ишчи-хизматчиларимиз сони 28 нафарга етди, — дейди корхона менежери Бахтиёр Шарипов. — Уларнинг малакаси кун сайин ортиб бормоқда, мебель тайёрлашда зарур бўлган дастуҳ ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланилаётгани яхши самара бермоқда. Йилига корхонамиз мебелсозларининг савий-ҳаракатлари билан 80 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлягиз. Ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва мебеллар турларини кўпайтиришни назарда тутган ҳолда яқинда Туркиянинг «DENCHMAK» фирмаси ускуналарини келтириб, цехларга ўрнатди. Бунинг натижасида яна 5 турдаги стул маҳсулотини тайёрлаш ва йил охирига қадар турларини янада ошириш нияти-миз бор. Шунингдек, замонавий дастуҳни ишга туширишимиз маҳсулотларимиз кўриниши ва сифатида аксини топмоқда. Тадбиркор мебелсозлар кўпалаб корхоналар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг буюртмалари ҳам сифатли адо этилмоқда.

Маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлардан самарали фойдаланиш, янгиликларни ижодкорлик билан қўллаш, маҳсулот дизайнини устидан изланиш улар учун муваффақият гарови бўлмоқда. Ёшлар йилида қўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилганки, бунда мохир мебелсозлар шогирдлар тайёрлаб, ўз сафларига қўшишди. Албатта, мебелсозлар Истиклол айёмини ўзларининг янги маҳсулотларини харидорларга тақдим этиб кутиб олишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: мебелсозлар яқинлашиб келаётган мустақкамликнинг 17 йиллик байрамини янги маҳсулотлари билан кўтаринки кайфиятда кутиб олишга аҳд қилишган.

Хусанбой Аввалов олган суратлар



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 июль куни Оксаройда Япония молия вазир Фукуширо Нукагани қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ жорий йилнинг 21-24 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Аёллар ва болалар соғлиғини мустақкамлаш» лойиҳаси доирасида Бухоро вилоятидаги 13 та туғруқхонага замонавий тиббий жиҳозлар тухфа этилди.

Қарши шаҳрида «Энг намунали маслаҳатчи» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб чиққан фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари 5 та йўналишда ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Сени қўлайман, ҳаёт» мавзусидаги бадий кўргазма очилди. Унда фарғоналик мусаввирлар Муҳаммад Жўрабоев ва Валентин Бизяев асарлари намойиш этилмоқда.

Нукус санъат музейида мусаввир Ибраим Жулметовнинг асарлари кўргазмаси очилди. Мамлакатимиз Мустақкамликнинг 17 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмадан муаллифнинг юздан ортиқ асарлари ўрин олган бўлиб, уларда она-Ватанимизнинг бетакрор гўзаллиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар ўз аксини топган.

Журабаев ва Валентин Бизяев асарлари билан таъминлаш борасида шартнома имзоланди. Териларга сифатли ишлов берилиши, хом ашёнинг жаҳон талабларига мос тайёрланиши натижасида йилга 100-120 минг дон қорақўл териларига ишлов бериш қувватига эга ушбу корхонанинг хорижда ҳам ҳамкорлари пайдо бўлди.

Вобект туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 3-туғруқхона бўлимига 36 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилди. Ушбу замонавий асбоб-ускуналар орасида нарқоз бериш аппаратлари, палата ҳароратини бир маромда ушлаб туришга хизмат қилувчи жиҳозлар бор.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг маълумотига кўра, мамлакатимизда уяли алоқа абонентлари сони 9 миллиондан ошди.

Жорий йил бошидан «Микрокредитбанк»нинг Андижон вилояти бўлими «Куйганёр» филиали жамоаси томонидан кичик ва хусусий бизнес субъектларига уч миллиард етти юз ўн тўрт миллион сўмлик кредит ажратилди.

ЖАҲОНДА

Уч кунлик ташриф билан бугун Венесуэла Президенти Уга Чавес Россияга келди. Мамлакат раҳбарияти билан музокаралар ўтказилганидан сўнг ҳар иккала давлат ўртасида бир нечта йирик битимлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ироқ марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг октябр ойида ўтказилиши мўлжалланган маҳаллий сайловларнинг муддати ўзгартириш мумкинлигини билдирди.

Бугун Баренц денгизиде АҚШ ва Россия ҳарбийларининг кенг қўламадаги ўқув-машқ йиғинлари бошланди.

Покистон армияси мамлакат шимоли-ғарбда жойлашган Хангу шаҳридаги «Толлон» жангариларни йўқ қилди. Ҳарбийлар жангарилар жойлашган лагерни тозалаб, ўша ҳудуддаги сув тўғонини назорат остига олишди. Хангуда комендантлик соати жорий қилинди.

Мексика ҳарбий денгиз кучлари томонидан номаълум нарқомафия гуруҳига тегишли бўлган сув ости қайғи қўлга олинди. Маълум бўлишича, 9 метрли ушбу қайғида 10 тоннага яқин кокаиен гиевандлик моддаси юкланган экан. Ҳарбий денгиз кучлари матбуот котибининг таъкидлашича, мазкур сув ости қайғи бир ҳафта олдин Колумбиянинг Буэнавентура портидан йўлга чиққан.

Туркия Эроннинг атомдан тинчлик йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини қўллаб-қувватлади.

Автомашиналар ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур «General Motors» компанияси ҳодимларининг 20 фоизини қисқартиришга қарор қилди. Компания шу йўл билан ортиқча сарф-харажатни бартараф этмоқчи. Зеро, маълумотларга кўра, мазкур компания биринчи ярим йилликда автомашиналарни ўтган йилдагига нисбатан 18,5 фоизга кам сотган.

Буюк Британияда Интернет тармоғи орқали маҳсулот харид қилиш тобора авж олмақда, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, бу ерда жорий йилнинг биринчи ярмида электрон савдо ҳажми 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан ўттиз саккиз фоиз ошган.

ЎЗБЕКИСТОН АРАБ ДУНЁСИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҚКАМЛАМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН АРАБ ДУНЁСИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ КЎП ЖИҲАТДАН УМУМИЙ МАЪНАВИЙ ВА ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА АСОСЛАНДИ.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг маданий, илмий ва тарихий меросни қайта тиклаш борасидаги савий-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этиб, араб дунёси мамлакатлари томонидан юксак баҳоланаётганининг ёрқин далили бўлди.

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг юртимизга амалга оширилажак расмий ташрифи Ўзбекистон билан араб давлатлари ўртасидаги муносабатлар тарихида алоҳида ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Бугунги Кувайт Яқин Шарқ минтақасидаги жадал ривожланаётган ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан биридир. Кувайт

Араб ярим оролининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Саудия Арабистони ва Ироқ билан чегарадош.

Мамлакат ҳудуди 17,8 минг квадрат километрге тенг. Унинг катта қисмини чўллар эгаллаган. Кувайтга Форс кўрфазидеги 9 та орол тегишли. 2007 йилдаги маълумотларга кўра, мамлакат аҳолиси 3,3 миллион кишини ташкил этади. Уларнинг 1,03 миллиони кувайтликлардир.

Кувайт конституциявий монархия давлати ҳисобланади. Мамлакат раҳбари — Амир. 2006 йилнинг январь ойидан буён шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Кувайт Давлати Амири, шайх Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ эса валиаҳддир. Миллий байрам куни — 25 февраль. (1961 йил)

(Давоми 2-бетда).

Қасқа сатрларда

РЕСПУБЛИКА Марказий банкда банк соҳаси мутахассислари иштирокида жорий йилнинг олти ойи мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўқитувчи» наشريети ижодий матбаа уйида ноширлар иштирокида уюштирилган тадбирда 2008-2009 ўқув йили учун 300 дан ортиқ дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр этиш режалаштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугун Миробод туманидаги 113-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Фафур Фулом номидаги маданият уйи ҳамкорликларида уюштирилган

тадбир ва концерт дастури «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Анчадан бери ўзим таълим олган мактабда бўлмаган эдим. Синфдошлар шу ерда учрашга тўпланди...

Биз бир пайтлар тахсил олган чоғроқ, нимкорони синфнамиздан ном-нишон қолмабди. Биз ўқиган кўрмисиз бино ўрнида мухташам, замонавий мактаб қад ростлабди.

Айниқса, компьютер ҳонасида яратилган қулайликлар бизни хайратга солди. Бир пайтлар биз ҳам информатика дарсини ўтганмиз. Аммо, ўқитувчимиз фақат назарий тушунарлар берар, компьютер тизимини дарслик ёки қўлланмаларда кўрадик, холос.

У замонлар ўтиб кетди, — дейди ҳали-ҳамон ёшларга шу фандан сабоқ бериб келаётган ўқитувчимиз Собиржон ака. — Ўқувчиларимиз энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан бемалол "тиллашмоқда".

Бундай янгилик ва ўзгаришлардан беҳад қувондик. Биз кўрмаган, ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтира олмаган қулайликлар ўқувчиларимиз, фарзандларимизга насиб этганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Директор бизни мактаб ҳовлисининг бир четини қад ростлаган замонавий спорт мажмуаси томон бошлади. Унда спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиш мумкин экан.

Масканнинг бир гуруҳи спортчиларни «Умумий» спорт мусобақасида вилоят тарма жамоаси сафида муваффақиятли иштирок этганини айтишди, гуруҳлариди. Ҳозир бу ерга нафақат ўқувчилар, балки маҳалла ёшлари ҳам чинқиш учун келиб туради экан.

Биз шу мактабда ўн йил ўқиб, бундай ажойиб спорт масканини фақат орзу қилиб ўтгандик. Жисмоний тарбия дарслари ёзда мактаб ҳовлисида тўп тепиш, қишда эса диққатнарас хонада шашка ўйнаш билан ўтаради.

Собик синфдошлар, устоз ва шогирдлар гуруҳини ўзоқ давом этди. Кечагина жажжи болакайлар бўлган синфдошларимиз бугун бир хонадоннинг соҳибу соҳибалари.

17 МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ

кор. Бири илм йўлини танлаган, бошқа бири ҳарбий соҳада, Ватан эрки, юрт тинчлигини асрашга ўз хиссасини қўшиб келаётир. Орамизда ўқитувчи ҳам, қурувчи ҳам, қўли гул хунарманд ҳам, илгор фермер ҳам бор.

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

ИНСОН ҲАМИША ЎЗИНИНГ ЭНГ БЕГУБОР, ТОТЛИ БОЛАЛИК ДАМЛАРИ ЎТГАН МАСКАНИНИ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛГАН ЖОНАЖОН МАКТАБНИИ СОФИНИ ЯШАЙДИ. АНА ШУ СОФИНИ ҲИССИ МЕНИ ҲАМ ИЛМ-МАЪРИФАТ ЎҶОФИ САРИ ЕТАКЛАДИ...

бошлаган эдим. Излаган имкон топаркан, қисқа фурсатда ўзимни ўнглаб олдим. Корхонамизда беш-олти турдаги ширинлик ишлаб чиқарилади.

Болалигимдан ширинликка ўч бир қизимиз конфет ўрамини томоша қила бошлади. — Мен чет элини бўлсақ керак, деб ўйлабман!

Э, ҳозир ўзимизда чиқарилаётган маҳсулотлар чет элиникидан қолишмайди, — гапни илб кетди ҳайдовчилик касбинини танлаган яна бир синфдошимиз Изабтулла. — Эсинлардами, раҳматли география ўқитувчимиз бир дарсада «болаларим, ҳали кўрасизлар, вақти келиб, телевизордан тортиб, энг учқур машиналаргача ўзимизда ишлаб чиқарилади» деганида ҳеч биримиз ишонмаган эдик.

Тижорат учун ўзоқ-яқин мамлакатларга боришга тўри келади, — гапни давом эттирди тadbиркор дўстимиз. — Бегона шарҳларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналарни кўрсан, диллим яйраб кетади. Ўзимизнинг юрда чиққан-да, кўзга оловдек ташланади. Мустақиллик шарофати дегани, шу-да!

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

яна бир синфдош қизимиз Фотима. — Лекин ўша пайтларда ўзимиз тиккан чопонларни онам бозорга олчиқиб сотиб келгани кўрардим. Бир марта бозорда «чайқовчи» деб бир бўча тўнларини тортиб олишган экан. Чиндан ҳам замон ўзгарди. Ҳуқуқимиз хунармандлар, тadbиркорларга катта ёрдам берапти. Энди ўзим ҳам уйда бекор ўтирмай, кичикроқ бир тикувчилик цехи очганман. Маҳалладаги хотин-қизларга касб-хунар ўргатаман. Ўзимиз тиккан чопонларни бемалол бозорга олчиқиб сотиб келамиз.

Мустақилликнинг меваларини ҳамма жойда, ҳар бир шаҳарда қишлоқда кўриш мумкин, — дейди дурдоголлик билан эл ҳурматини олган яна бир кадрдонимиз Отабек. — Хизмат тақозоси билан юртимизнинг турли бурчақларини кезиб чиқдим. Каерга борманг, қурилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишларига гувоҳ бўласиз.

Юртимизда замонавий, мухташам бинолар, маданий-маиший муассасалар, таълим ва шифо масканлари борган сайин қўлайлиб бормоқда. — ҳаммамиз шифокор синфдошимизга юзландик. — Олдин бир мисол, эски тузум пайтида туманимизнинг марказий шифохонаси қай аҳволда эди? Тўқилиб турган бир бинода жойлашган эди. Сал оғирроқ беморларни доволаш тўғул, ҳатто ташхис қўйиш ҳам имкон йўқ эди. Уларни ё вилоят марказига, ё пойтахтга олиб боришга тўри келар эди. Ҳозирги шарт-шароит, беморлар учун яратилган қулайликларга ҳавас қилса арзийди. Чет элдан келтирилган энг илгор тиббий асбоб-ускуналарни айтмас ҳам бўлади.

Синфдошларимнинг бу тахлит дилкаш сўзбадан руҳлини кетдим. Уларнинг юзиде балқон қувонч, хотиржаллик қалблардаги шукроналик ифодаси эканини англадим. Энг муҳими, бундай фикрлар, ҳақиқий эътирофларни ҳар бир юрдошимиздан айтиш мумкин.

Зеро, мустақиллик тинч-тотув, фаровон ҳаётимиз, ёруқ келажагимиз, фарзандларимиз бахту иқболининг ишончили кафолати эканлигини энг азиз, энг улуг байрагимиз — истиқлол айёми тобора янгилашиб келаётган шу кунларда янада тараққот хис этмоқдамиз.

Рустам ЖАББОРОВ, ЎЗА шарҳловчиси

Мумбайда халқаро кўргазма ўзбекистон савдо саноат палатаси ҳиндистоннинг мумбай шаҳрида ўтказиладиган халқаро кўргазмага тadbиркорларни тақлиф этади.

Саноатнинг турли жабҳаларини қамраб олган кўргазма "Indeks Inter-Fun", "Indeks "Word+Machine", "Indeks Furniture", "Indeks office", "Indeks Kichen Bath", "Indeks light", "Fi Indian", "Instal India", "Palme India", "Beauty world India" каби мавзуларда ўтказилади.

Менинг севимли шахрим тошкентда "менинг севимли шахрим" фото танлови эълон қилинди.

Руминиядаги кўрикда учта биринчи ўрин руминия пойтахти бухарестда ўтказилган "PRO PIANO-ROMANIA" 12-халқаро кўрик-танловда ўзбекистонлик уч нафар ёш пианиночилар биринчи ўринни қўлга киритди.

Халқаро танловда Венгрия, Польша, Руминия, Россия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатлардан келган 100 дан зиёд ёш пианиночилар ўзаро беллашди.

Икки турдан иборат кўрик шартларига қўра албатта, Бах асарларидан бири ва юксак маҳоратли бастакорлардан бирининг этюд, сонат ва пьесаларидан бири иккунга этилиши шарт эди.

Ушбу совринлар Бухарестдан қайтиб келган юрдошларимиз учун ягона нишонлар эмас. Масалан, Тамара Акбаровна 2005 йилда Италиянинг Араполи шаҳрида ва 2007 йилда Германияда ўтказилган "StoRzando" халқаро танловларида ҳам голиб бўлган.

Жорий йилда Германияда юқорида таъкидлаб ўтилган танловда ушбу лицейнинг бошқа бир ўқувчиси — Томила Саримсоқова муносиб катнашди.

Ўқувчиларнинг муваффақиятлари ўз-ўзидан юзага келаятган йўқ. Академик лицей ўқитувчилари шогирдлари тарбиясига ниҳоятда жиддий ёндашишмоқда.

Хусусан, "StoRzando" танловининг ҳар икки голибига ҳам келгуси йилда саксон ёшани нишонлашга тайёргарлик қўраётган республикамиздаги қўлбал пианиночиларнинг устози Людвиг Флорентьеванинг шогирдлари саналишадди.

"Туркистон-пресс"

Таълим НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚўЛЛАНМА

ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ ЧОП ЭТИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА МУНОСИБ СОВГА БЎЛГАН МАЗКУР ЎҚУВ АДАБИЁТИ ИФЛОСЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ АГРОКИМЁВИЙ, КИМЁВИЙ, ФИЗИКАВИЙ, БИОЛОГИК ҲОССАЛАРИГА БАҒИШЛАБ ЎЗБЕК ТИЛИДА БОСМАГА ТАЙЁРЛАНГАН БИРИНЧИ ҚўЛЛАНМА СИФАТИДА ҲАМ ҚИММАТЛИДИР.

«Тупроқларнинг ифлосланиши муаммолари ва уларни муҳофаза қилиш тadbирлари» деб номланган мазкур нашрдан янги ўқув йилидан фойдаланишга киришилади.

Ҳозир пойтахтдаги нуфузли университетларнинг бирида тахсилни давом эттиришмоқда.

Бундай янгилик ва ўзгаришлардан беҳад қувондик. Биз кўрмаган, ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтира олмаган қулайликлар ўқувчиларимиз, фарзандларимизга насиб этганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Директор бизни мактаб ҳовлисининг бир четини қад ростлаган замонавий спорт мажмуаси томон бошлади.

Масканнинг бир гуруҳи спортчиларни «Умумий» спорт мусобақасида вилоят тарма жамоаси сафида муваффақиятли иштирок этганини айтишди, гуруҳлариди.

Биз шу мактабда ўн йил ўқиб, бундай ажойиб спорт масканини фақат орзу қилиб ўтгандик.

Собик синфдошлар, устоз ва шогирдлар гуруҳини ўзоқ давом этди.

Мумбайда халқаро кўргазма ўзбекистон савдо саноат палатаси ҳиндистоннинг мумбай шаҳрида ўтказиладиган халқаро кўргазмага тadbиркорларни тақлиф этади.

Саноатнинг турли жабҳаларини қамраб олган кўргазма "Indeks Inter-Fun", "Indeks "Word+Machine", "Indeks Furniture", "Indeks office", "Indeks Kichen Bath", "Indeks light", "Fi Indian", "Instal India", "Palme India", "Beauty world India" каби мавзуларда ўтказилади.

Менинг севимли шахрим тошкентда "менинг севимли шахрим" фото танлови эълон қилинди.

Руминиядаги кўрикда учта биринчи ўрин руминия пойтахти бухарестда ўтказилган "PRO PIANO-ROMANIA" 12-халқаро кўрик-танловда ўзбекистонлик уч нафар ёш пианиночилар биринчи ўринни қўлга киритди.

Халқаро танловда Венгрия, Польша, Руминия, Россия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатлардан келган 100 дан зиёд ёш пианиночилар ўзаро беллашди.

Икки турдан иборат кўрик шартларига қўра албатта, Бах асарларидан бири ва юксак маҳоратли бастакорлардан бирининг этюд, сонат ва пьесаларидан бири иккунга этилиши шарт эди.

Ушбу совринлар Бухарестдан қайтиб келган юрдошларимиз учун ягона нишонлар эмас.

Ўқувчиларнинг муваффақиятлари ўз-ўзидан юзага келаятган йўқ.

Ақбар АЛИЕВ



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РҲИДА

ЁШЛАР ҲАЁТИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ, КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИДИРЛАР. АЙНИ КУНЛАРДА БОЛАЖОНЛАР ЁЗГИ ТАЪЛИМ КУНЛАРИДА ОРОМҶОҲЛАРДА МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИБ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗМОҚДАЛАР.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини бажариш ҳамда Мустақиллик йилининг 17 йиллиги муносабати билан Юнусовод туманида жойлашган 31-сонли Меҳрибонлик уйига қарашли «Меҳржон» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида «Мустақиллик бизнинг борлигимиз, шону-шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» мавзусида маънавий-маданий тadbир бўлиб ўтди.

маданий уйининг «Сезам» болалар гуруҳи томонидан тайёрланган қувноқ кўйиқлар, шўх рақслар болажонларга бир олам қувонч, ҳуш кайфият улашди. Танловда фаол иштирок этган ёшлар Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар ҳамда Юнусовод туман бўлимлари томонидан эсдалик совғалари билан тadbирландилар.

Абдурахимова.— Бундай тadbирларни айниқса болажонлар ўртасида ўтказишдан мақсад, ёшларнинг маънавий онгини юксалтириш, уларнинг қалбига она юрда, истиқлолга муҳаббат ва сардоқат туйғуларини ошириш, миллий қадриятларимиз ва аъналаримизни қадрлашга ўргатишдан иборатдир. Зеро, маънавияти юксак элда тинчлик, фаровонлик ва тараққийёт барқарордир.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА — САРА СУРАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОНЛИК 15 НАФАР СУРАТКАШ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ МАРКАЗИЙ КўРГАЗМАЛАР ЗАЛИНИНГ МАНЕЖИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КўРГАЗМАДА ИШТИРОК ЭТАДИ.

Кўргазмада Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунини, унинг кўпмиллатли халқини, урф-одатларини акс эттирувчи 200 дан ортиқ суратлар намойиш этилади. Суратлари кейинги йилларда нафақат ўлкамизда, балки хорижда ҳам шухрат қозонаётган, қатор фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётган бухорлик Зилола Саидова ва Шавкат Болтаев ҳам кўргазмага астойдил тайёрланмоқда.

ЭЛЛИ МИЛЛИОН СўМДАН ЗИЁД ИНСОНПАРВАРЛИК ЮКИ ОРТИЛГАН НАВБАТДАГИ "ЭКОСАН-ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙўЛЛАРИ" САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА ЖўНАБ КЕТДИ.

НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

Мазкур инсонпарварлик ёрдами "Экология ва саломатлик кунлари"нинг 2-босқич тadbирлари доирасида ташкил этилди. Унда болалар ва катталар учун кийим-кечаклар, пойфазаллар, кўрпа-тўшак гилофлари, матрацлар ҳамда санитария-гигиена воситалари юклатилган. Жанубий темир йўл вокзалидан саломатлик поездини жўнатиш муносабати билан тadbир бўлиб ўтди. Унда "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни атроф-муҳит муҳофазасига кенгроқ жалб қилишга йўналтирилган мазкур тadbирларнинг аҳамияти янада ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

Санкт-Петербургда ўтказиладиган кўргазма Россиянинг шимолий пойтахти ҳаётида нафақат йирик, балки Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамловчи маданий тadbир сифатида ҳам қолади.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ ХИКМАТЛАР

Ўткир қиличнинг бошга тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида муте бўлиб юришдан афзалдир.

Можаро билан кўрсатилган мурувватда хайрлик йўқдир, гарчанд у челақлаб қуйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам.

Бани одамнинг солиҳ ишлари пайгамбар алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ бўлмаса, у ишлар мақбул ва юқори даражада бўлмас.

Хожанинг қулига, бой-бадавлат кишининг фақир бечорага хайру эҳсондан бошқа ҳеч бир фазилати йўқдир.

Ўрмонларда арслонлар, боғларда илонлар бўлишининг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқдир.

Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганимда ҳеч бир ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.

Вақти соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдадан ҳеч бир хайрлик бўлмас.

Ўз нафсинга асир бўлмасанг, уни ўз ҳукмингда тутасан, акс ҳолда ундан голиб чиқиб, ушлаб тура олмайсан.

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туйибди ислоҳ қилинур, чунончи, еру кўк фақат ўз теграси кутблари атрофида айланар.

Сайр қилувчи юлдузлар фалакнинг гардишидек бемалол сайр қила олмаганлари каби ҳалойиқ ва фуқаролар подшоҳлар даражасига эриша олмаслар.

Ҳеч ажабланарли эмаски, баъзи жоҳил кишилар баланд даражага эришиб, олим ва доно одамлар қуйида қолар.

Ҳар бир учраган кимсани сирдош этмагин.

Эй одам, унутмоқлик сенинг одатингдир.

Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла!

Мужрим ОБИД

Алдаб эл молин егунча захр нўш этган қулай.

Дард кадрин телбадин сўр, билмас они соғлар, Қалли мушкилни тиларсан хотири афқора бор...

Ишқ беморига, Мужримдур табиблар ноилож, Ёра бор бўлса юракда, ёра борсанг, ёра бор!

Замона ҳар кима бир тарз рўзгор қилур. Биравни восили давлат, биравни хор қилур.

Биравни қўлига берур мадори мулки жаҳон, Биравни то даме ўтгунча бемадор қилур.



Ез фаслининг гашти болақонлар учун ўзгача завқлидир. Хусанбой Аввалов олган сурат

Биласизми?

ҚОВУН — ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

ОНА ЗАМИНИМИЗДА ТУРЛИ ФЙДАЛИ МИКРООРГАНИЗМЛАРГА ЭГА ТУПРОҚ, ҚУЁШНИНГ ЗАРРИН НУРЛАРИДА ЕТИЛГАН ҚОВУН, ТАРВУЗ, ҲАНДАЛАКЛАР ҲАР ХИЛ ВИТАМИНЛАРГА БОЙ, ШИФОБАХШЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Селекционерларимизнинг илмий изла-нишлари ўлароқ ҳозирги кунда қовуннинг 100 дан зиёд навлари бўлиб, қизилуруғ, но-ввоти, кўкча, бўриқалла, кампирчопон... каби навларини қўли қадоқ, саховатпеша деҳ-қонларимиз Тошкентнинг энг катта 26 та де-ҳқон бозорларига келтириб, эл-юрт талаби-ни қондиришмоқда.

Кўпчилик қовунни тановул қиладию, аммо унинг шифобахшлигини билмаслиги мумкин. Биолог олим, академик Жўра Саидов (мар-ум) маълумотларига қараганда қовуннинг тар-кибида инсон танасини мустаҳкамловчи вита-мин С, қувватни оширувчи Е витамини, қонда ҳолестерин моддасини камайтирувчи В, ви-тамини, иштанини очувчи В1, бош оғриғи, кўз тинишини тикловчи В2 витаминларидан ташқ-ари, томир деворларини мустаҳкамловчи РР витамини, сунжларни мустаҳкамловчи кальций, қони қўпайтирувчи темир, мия фаолиятини яхшиловчи фосфор моддаларининг мавжуд-лиги унинг нақадар шифобахш неъмат экан-лигини далолат беради. Шунингдек, қовун таркибида 18 фоиз қанд моддаси бўлиб, аёл-ларда ва ёш болаларда учрайдиган камқон-лики бартараф этиди.

Тибб илмининг алломаси Абу Али ибн Сино минг йил аввал халқ табибатида қовун пўнҳогидан юздаги доғларни кетказишда, диқ-

қинафас-астма, бел оғриғи, сил, камқонлик, буйрак, ўт пуфағидаги тошларни тушириш-да фойдаланган. Дарҳақиқат, қовун асаблар-ни тинчлантирувчи, сийдик хайдовчи, жи-гар, парижонхотирлик, сариқ касаллиги, ис-тиско, қабзият каби касалликларни даво-ловчи, қимматбаҳо дорилар ўрнини босувчи мўъжизали неъмат экани ўз-ўзидан аён-дир. Қовун танлаш ҳам санъат. Биз аввало қовун танлашда унинг катталигига эмас, энг муҳими устки тўни (чизиклари)нинг ёрқин-лигига (хира эмас), эътибор беришимиз ке-рак. Қолаверса думи қуриб тушган бўлса, хидлаганда ўткир иси анқиб турса, кичик бўлсаю, ўлчамига қараганда оғирроқ бўлса, пичоқ урганда, «тиро» этса, етилиб пишган-лигининг белгисидир, акси хомилигидан да-лолатдир.

Қовун сўйилгандаёқ ўртасида туз тўплан-ганга ўхшаб турса, билинги, бу нитрат миқ-дорининг таркибида кўпчилигидан далолатдир. Бу эса инсон ички танасини захарлаб, кўнгилис ҳолатга тушириши мумкин. Шун-дай ҳолатда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Хуллас, қовун—шифобахш неъмат, уни танлаш санъат, эътиёткорлик—соғлиқ гаро-ви.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

Турфа олам

МУАЛЛИФНИНГ ҲАЁТДАГИ ҚАҲРАМОНИ

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИРНИНГ "ОТЕЛЛО" АСАРИНИ КЎРМАГАН, ЎҚИМАГАН КИМСА БЎЛМАСА КЕРАК, ҲЕЧ БЎЛМАГАНДА УНДАГИ РАШК ВОҚЕАСИНИ БИЛМАЙДИГАН КИМСАНИНГ ҲИ ЙЎҚ.

Лекин кўпчилик бу фожеанинг қаҳрамони ҳам ҳаётда бўлганини билмавермайд. Отелло ҳақиқатдан ҳам ўн олтинчи асрда Италияда истиқомат қилган ва асардаги барча тафсилотлар унинг ҳаётида бўлиб ўтган. Тарихий маълумотларга кўра асли венециялик бўлиб, ёлланма аскарларга раҳбарлик қилган Маурицио Отелло буюк драматургининг ҳаётдаги қаҳрамонидир. Фақатгина Шекспир уни, яъни Маурицио Отеллони ҳабаб, деб тасвирлаган ҳолос.

АНТИҚА ЎҒРИЛАР

КОЛУМБИЯНИНГ БОГОТА ШАҲРИДА ЖУДА КЎП САЙЁҲЛАР БЎЛАДИЛАР. УЛАР КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА МАЙМУНЛАРНИНГ ДАСТИДАН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ БИЛМАЙ ҚОЛАЁТГАНДИ.

Сабаби, бу тўрт оёқли ўғрилар сайёҳларнинг сумкаларини, қўл телефонларини, ҳамёнларини олиб қочиб кетаётганлидир. Полиция маҳкамасидангилар бу ўғирлик сабабли сайёҳлар камайиб кетиб, мамлакат хазинасига катта зарар етишини ўйлаб бошлар катган бир дамда ҳуку-мат махсус қорор чиқариб онгисиз ўғрилардан шаҳарни то-залаш учун алоҳида тайёргарликдан ўтган гуруҳни ишга солди. Шундан сўнггина ўғри маймунларнинг сирлари ош-кор бўлди. Махсус гуруҳ 50 та маймунни айнан ўғирлик қилишга ўргатишган экан. Уларнинг олиб келган нарсалари-га қараб турли ширинликлар, маймунлар севиб истеъм-ол қиладиган овқатлар бериб турилган. Ўғриларнинг

ҳомийлари тез кунларда яна 20 та маймунни шаҳар май-донларига чиқариш учун тайёрлаётган бир дамда қўлга олинди. Гуруҳ аъзолари полиция томонидан темир панжа-ра ортига олиб кетилди. Уларнинг ҳамтовоқлари эса хай-вонот боғига топширилди. Ўғри маймунлар эгаларидан фар-қли ўлароқ суд олдига жавоб бермасалар ҳам айни дам-да махсус тарбия жараёнини ўтамоқдалар. Сабаби хайво-нот боғида ҳам ўзларининг эски одатларини қилмаслигига ким ҳам қабуллат бера оларди.

ЗАМИНИМИЗ КЕКСАСИ

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЧЕККА БИР ҚИШЛОҒИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ МОЛОҚО ТЭМО ХОНИМ ЎЗИНИНГ 133 ЁШИНИ ҚАРШИЛАДИ.

У ўзининг энг яқин қариндошларини бир жойга жам-лаш учун каттагина чодир қуришга тўғри келди. Молоқо Тэмо хонимнинг турмуш ўртиги 71 ёшида оламдан ўтган, шундан буён бу кекса кампир не не кунларни бошидан кечирмади, дейсиз. Ўртача умр кўриш унчалик узок бўлмаган бу мамлакатда Молоқо Тэмо хонимнинг бунча ёшга кириши кўпчиликнинг эътиборини тортган. Лекин кампир ҳеч қачон ўзининг кишлоғидан четга чиқмаган, умуман спиртли ичимлик ичмаган, сигарета чекмаган. Бу-гунги кунда унинг нафақат фарзандлари, балки бош на-биралари ҳам оламдан ўтиб кетган. Кампир бемалол Гин-неслар рекордлар китобига ҳам кириши мумкин эди, бун-и ўзи истамаган, баъзилар бу ҳақда гап очиганда ариза топширишни маълум ҳам кўрмаган. Молоқо Тэмо хоним анча бақувват, ўзи бемалол боғда сайр этиши, турли мевалардан тановул қилиши мумкин. Табаррук ёшдаги онахонни 133 йиллиги арафасида аравачага ўтказдилар. Молоқо Тэмо хонимни чодирга, чодирдан уйга олиб ки-ришаркан маҳаллий халқ урф—одатига кўра унинг йўла-рини супурдилар. Кимки кекса инсонларнинг қадамлари теккан жойни супурса унинг ёшига етиши мумкин, деган одат бор.

ОРЗУЛАР БОҒИ

АМЕРИКАНИНГ ФЛОРИДА ШТАТИДА БОЛАЛАР БОҒИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ. БУНИНГ НИМАСИ ҚИЗИК, ДЕБ ЎЙЛАШНИНГ МУМКИН.

Шуниси эътиборлики, бу богда бошқа болалар бо-ғига нисбатан аттракционлар хилма—хил ва кўпроқ бўлиб, боғнинг исталган бурчагида ширинликлар, чанқ-қовбости ичимликлар, музқаймоқ ва болалар ўйинчоқла-ри тўла дўқонларга дуч келасиз. Буларнинг бариси те-кин, улarda фақат хизмат кўрсатувчи ходимлар фаолият кўрсатади ҳолос. Бу ерда болаларнинг дам олишлари учун барча қўлайликлар яратилган. Улар бир ҳафта да-вомида ота—оналари билан шу ерда истиқомат қилиш-лари ҳам мумкин. Энг ҳашаматли меҳмонхоналардан қолишмайдиган меҳмонхоналар, ресторанлар улarga хиз-мат кўрсатади. Булар ҳам текинга. Фашистлар асирли-гида бўлган Генри Лендверд эллигинчи йилларда Аме-рика Қўшма Штатларига келди ва меҳмонхоналар бўйи-ча бизнес қила бошлади. Тез орада у жуда катта бой-лардан бирига айланди. Кейинчалик эса ҳаёт фақат пул топиш ва уни қўпайтиришдан иборат эмаслигини ан-глаб етди. Ўзининг жуда катта маблағини сарфлаб Фло-ридада болалар боғи ташкил этди. Бу боғқа фақат но-гирон болалар ва уларнинг ота—оналари қабул қилина-ди. Улар Ер юзининг исталган мамлакатидан бўлиши мумкин. Бу ерда барчага бирдек муомалада бўлади-лар. Генри Лендверд богда ҳаёт бошқа болалардан фар-қли тарзда ногирон этиб яратилган норасидалар ўзла-рини бахтли хис этишлари учун барча имкониятларни яратган. Айни дамда бог фаолияти учун 200 дан зиёд мамлакатдаги энг катта компаниялар маблағ ажратма-дилар. Бундан ташқари беш минг ишчи—хизматчилар маош олмасдан ишлайдилар. Уларнинг кўпчилиги нафақага чиққан бўлиб, баъзилари ўзларининг асосий иш жойла-ридан бўш пайтларида мазкур богда ҳолис хизмат қила-дилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2008 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати

Table with 7 columns: №, Корхона номи, МЧДК, СТИР, Рўйхатга олинган қирор санаси ва рақами, ХТУТ (ОКРО), Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси. Rows include BMS-TAS, MAISHIY XIZMAT UYUSHMASI, XIZR-BARAKA TEXNIK SERVIS, VAZE INTERNATIONAL, URSULA-SAB, KOMIL FAYZ STUDIYA, LEG TRANS SERVIS, OSIYO KART SISTEM, BOOK-KEEPING GROUP, MIROBOD TUMAN GARAJ-TEXNIK XIZMATI, FISCO SAVDO, URALIMPEKS, AVIAYOLLARI, MUHLISA-BARAKA, AL-NIHOL TM.

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалар, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нўкус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани ҳокимлигининг махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2641 нускада босилади. Қўра бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6